

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАДЖАНОВ АТАБЕК ДАВРОНБЕКОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИШТИРОКИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Бабаджанов Атабек Давронбекович

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида
сиёсий партиялар иштирокини такомиллаштиришнинг
ташкилий-ҳуқуқий масалалари.....3

Бабаджанов Атабек Давронбекович

Организационно-правовые вопросы совершенствования участия
политических партий в деятельности представительных органов
местного самоуправления.....23

Babadzhanov Atabek Davronbekovich

Organizational and legal issues of improving the participation of political
parties in the activities of representative bodies of local self-government.....43

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАДЖАНОВ АТАБЕК ДАВРОНБЕКОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИШТИРОКИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Үу182 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Беков Ихтиёр Рустамович,
юридик фанлар номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич,
юридик фанлар доктори, доцент

Зулфикаров Шерзод Хуррамович,
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үу.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 17 январь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (998971) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (52-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислон Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2020 йил 3 январда тарқатилди.

(2020 йил «3» январдаги 29-рақамли реестр баённомаси).

О.Т. Хусанов

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.А. Каримов

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

Ж.Ў. Тошқулов

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сиёсий партиялар нафақат марказий давлат ҳокимияти органлари, шу билан бирга, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари фаолиятида ҳам ўз дастурлари доирасида иш олиб бормоқдалар. Жамият ҳаётида бўлаётган глобал ўзгаришлар ва инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасидаги муаммоларни тобора чуқурлашиб бориши турли хил сиёсий мафкураларга эга бўлган сиёсий партиялар олдига янги-янги вазифаларни қўймоқда. Сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятида, айниқса, унинг маҳаллий органларидаги иштирокини ташкил этишга оид хорижий тажриба ва бу борада дунё ижтимоий фанларида шаклланган ҳуқуқий ғоялар ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларидаги қоидалар асосида мамлакатимизда ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Жаҳонда давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларида сиёсий партияларнинг иштироки масалалари юзасидан қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, маҳаллий даражада ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини ва улар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатлаш тизимини жорий этиш, муайян минтақа ва ҳудудларга хос бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда сиёсий партияларнинг ўрни ва иштирокини кенгайтириш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг иштирокини таъминлаш, уларни давлат ҳокимияти тизимидаги ўрнини ошириш, парламент ва депутатлик сўрови институтидан кенг фойдаланиш бўйича кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятида сиёсий партиялар гуруҳларининг ролини кучайтириш, айниқса, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш борасидаги ваколатларини кенгайтириш»¹ масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва бу борадаги қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасидаги устувор йўналишлардан бири сифатида «маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш, уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

мустақиллигини ошириш»² тизимини ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992), «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги (1993), «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги (1996) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 8 августдаги ПФ–5185-сон «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш устувор йўналиши» доирасида тайёрланган бўлиб, диссертация «12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ; маъмурий ҳуқуқ; молия ва божхона ҳуқуқи» ихтисослигига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари, хусусан улар фаолиятида сиёсий партияларнинг иштирокига оид масалаларнинг айрим жиҳатлари Н.Азизов, И.Беков, Д.Бекчанов, С.Бердикулов, А.Дадашева, Ш.Жалилов, Б.Жамиев, Г.Исмаилова, Г.Маликова, Ш.Мамадалиев, А.Махмудов, С.Муратаев, Х.Одилқориев, Я.Олломов, Д.Раззоқов, Х.Рузметов, Қ.Умидуллаев, А.Янгибаев, О.Хусанов ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий асарлари ва изланишларида ўрганилган.

Хорижий мамлакатлар олимларидан М.Горный, М.Егорова, Ф.Кароци, В.Мейтус, В.Мокрый, Б.Мухамеджанов, А.Николаев, А.Постников, Л.Репетто, Ж.Скотт, Ж.Уиллс, Ю.Фененко, С.Штокало, З.Захариёв, В.Чуманова ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида маҳаллий вакиллик органлари ва улар фаолиятида сиёсий партияларнинг иштирокига оид масалалар тадқиқ қилинган³.

Айни пайтда юқорида баён этилган олимларнинг асарларини таҳлил қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, шунингдек ушбу

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

³ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

соҳага оид халқаро ҳужжатлар асосида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаганидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг назарий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини кўрсатиб бериш;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштироки институтининг ривожланиши жараёнини ёритиб бериш;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ишини ташкил этишда сиёсий партиялар фаолият йўналишларини кўрсатиб бериш;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари шаклланишида сиёсий партиялар иштирокининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партия гуруҳлари иштирокининг шакл ва усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг сиёсий партия гуруҳлари фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонларини тизимли таҳлил асосида ўрганиш ва уларни миллий амалиётга жорий этиш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

ривожланган хорижий мамлакатлар маҳаллий вакиллик органларини ташкил этиш ва улар фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб бериш;

халқ депутатлари Кенгашлари сиёсий партиялар гуруҳлари фаолияти кафолатларини кенгайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари доирасида тавсияларни илгари суриш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партияларнинг иштироки жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштироки билан боғлиқ долзарб ҳуқуқий муаммолар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни

комплекс тадқиқ этиш, индукция, дедукция ва статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

партия гуруҳлари ваколатлари доирасига ҳудудларни ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича таклифларни тақдим этиш ҳуқуқини киритиш зарурлиги асосланган;

сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган, шунингдек уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши зарурлиги асослаб берилган;

маҳаллий давлат ҳокимиятининг қарори лойиҳалари бўйича юридик хизмат ходими томонидан тайёрлайдиган маълумотномада лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар акс эттирилиши лозимлиги асосланган;

маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш фақатгина сиёсий партияларнинг тегишли органлари томонидангина амалга оширилиши зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштироқи» тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунининг «Партия гуруҳларининг ҳуқуқлари», деб номланган 14¹-моддасига олтинчи қисм сифатида «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида ва халқ депутатлари Кенгашларида тузиладиган депутатлар гуруҳи ўз вакили Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга» деган мазмундаги нормани қўшиш лозимлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунини такомиллаштириш ва унда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи аниқ таклифлар ишлаб чиқилган;

хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини миллий қонунчиликка жорий этиш мақсадида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунини такомиллаштириш зарурати асослантириб берилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг сиёсий партия гуруҳлари фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунининг «Партия гуруҳларининг ҳуқуқлари», деб номланган 14¹-моддасига янги норма киритиш тўғрисида таклиф асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган илмий-назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонунчилик нормаларининг ўзаро таҳлил қилингани, ўтказилган ижтимоий сўровномалар натижаларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, натижаларнинг етакчи миллий ва

хорижий нашрларда эълон қилингани, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари юзасидан илмий изланишлар олиб бориш, қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Конституциявий ҳуқуқ», «Ўзбекистонда ҳокимият вакиллик органлари» фанларини ўқитиш ва илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий вакиллик органларининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек сиёсий партиялар амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидагиларда фойдаланилган:

сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган, шунингдек уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олинishi зарурлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 7-моддасининг олтинчи хатбошисини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 19 сентябрдаги 06-13/1829-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар гуруҳлари ваколатларининг кенгайишига ва партиядан сайланган депутатларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилган;

партия гуруҳлари ваколатларига ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқининг зарурлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни 14¹-моддасининг биринчи қисми бешинчи бандини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2019 йил 15 октябрдаги 12-18-20-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг инobatга олинishi маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини кенгайтиришга хизмат қилган;

маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш фақатгина сиёсий партияларнинг тегишли органлари томонидангина амалга оширилиши зарурлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 91-моддаси иккинчи қисмини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2019 йил 26 ноябрдаги 05/01-1042-сон

маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш тизимининг такомиллашувига ва бунда ушбу ваколатни фақатгина сиёсий партияларга тақдим этилишига хизмат қилган;

маҳаллий давлат ҳокимиятининг қарори лойиҳалари бўйича юридик хизмат ходими томонидан тайёрлайдиган маълумотномада лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар акс этирилиши лозим эканлиги ҳақидаги таклиф 2013 йил 1 февралда тасдиқланган Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг 54-бандига қўшимчалар киритиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармасининг 2019 йил 3 декабрдаги 3/01-493-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши маҳаллий давлат ҳокимиятининг қарори лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказиш ва ушбу жараёнга жамоатчилик назоратини татбиқ қилишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 6 та (2 та хорижий нашрларда) ва тўпламлар таркибида 4 та илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг назарий-ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, унда давлат ҳокимияти фаолиятида кўппартиявийликнинг ўрни ва аҳамияти, маҳаллий давлат

ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштироки институтининг ривожланиши, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ишини ташкил этишда сиёсий партиялар фаолият йўналишларига бағишланган.

Диссертантнинг фикрича, партиялар ўз аъзоларининг сиёсий иродасини ифодалаб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини тузишда иштирок этишни, шунингдек Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашларига сайланган ўз вакиллари орқали ҳокимият органларининг фаолиятида қатнашишни асосий вазифа қилиб қўядилар. Уларнинг дастурий ҳужжатлари бўлади ва бундай ҳужжатлар матбуот орқали омманинг эътиборига ҳавола қилинади. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўз сиёсий иродасини ўзи хоҳлаган сиёсий партияга аъзо бўлиб, ўша партия орқали ифода этиши мумкин. Бундай эркинлик, ўз навбатида, халқ сиёсий онгининг ўсишига, мамлакатда ҳар хил дунёқарашга эга, ўз Ватани истиклоли ва ҳар томонлама ривожланишига бор куч-ғайратини сарфлайдиган инсонларнинг кўпайишига олиб келади. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ҳар хил йўллар билан ўз аъзолари ва бошқа фуқароларнинг давлат ишларида иштирок этишини таъминлашга ҳаракат қилади.

Ривожланган мамлакатларда сиёсий партияларнинг юксалиши, уларнинг давлат билан жамият ўртасидаги муносабатларини таъминлашдаги ўрнининг юксалиб бораётганлигининг асосий сабабларидан бири – уларни давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрни билан изоҳланади.

Диссертантнинг фикрича, бугунги замон талаблари асосида фуқароларимизнинг сиёсий етуқлиги ва ижтимоий фаоллигининг тобора ортиб бориши сиёсий ислохотларни шунга монанд тарзда янги босқичда давом эттиришни, бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришни ва фуқаролик жамиятининг муҳим шарти сифатида сиёсий партиялар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратини кучайтиришни талаб қилмоқда.

Тадқиқотчининг ўрганишлари шуни кўрсатадики, сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг ҳар бир ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб, жойлардаги муҳим муаммоларга ўз вақтида эътибор қаратиши ва уларни кенгаш сессияси ёки доимий комиссия мажлисида муҳокама қилиш ташаббуси билан чиқиши, яъни масаланинг ечимини топишда бевосита иштирок этишида муайян муаммолар мавжуд.

Тадқиқотчининг фикрича, давлат ҳокимияти фаолиятида кўппартиявийликнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш учун қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

биринчидан, 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги – Миллий юксалиш босқичига ўтди. Конституциямизга асосланган, халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси амалда жорий этилмоқда. Ўз навбатида «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» ғояси асосида сиёсий партиялар ҳам ўз фаолиятларини мамлакатда рўй бераётган

демократик янгиланишларга мос равишда янги босқичга кўтаришлари зарурияти юзага келганлигини эътироф этиш даркор;

иккинчидан, фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири ҳисобланадиган сиёсий партиялар фаолияти самарадорлигини ошириш ва ҳаётимизда ҳал қилувчи сиёсий кучга айлантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосларни давр талаби асосида такомиллаштириш тақозо этилмоқда;

учинчидан, бугунги замон талаблари асосида фуқароларимизнинг сиёсий етуклиги ва ижтимоий фаоллигининг тобора ортиб бориши сиёсий ислохотларни шунга монанд тарзда янги босқичда давом эттиришни, бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришни ва фуқаролик жамиятининг муҳим шарт сифатида сиёсий партиялар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратини кучайтиришни талаб қилмоқда;

тўртинчидан, бугунги кунда вакиллик ҳокимияти органларига фақат сиёсий партиялар томонидан номзод кўрсатилади ва улар томонидан ушбу органларда фракциялар ва партия гуруҳлари тузилади. Айни пайтда, ушбу тузилмаларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилашга қаратилган қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш зарурати кун тартибига қўйилмоқда;

бешинчидан, сиёсий қурилиш соҳасида шаклланган ва шиддат билан тараққий этаётган бугунги амалиёт ҳокимиятнинг маҳаллий миқёсда, яъни вакиллик органлари ва ижро этувчи тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим барпо этишни тақозо этмоқда ва бошқалар.

Диссертант барча даражадаги маҳаллий Кенгашларнинг ҳокимни тайинлашдаги ваколатларини амалга оширишда партия гуруҳлари таъсирини кучайтириш, уларнинг ўз ҳуқуқларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишни таклиф қилади. Ҳокимни лавозимига тасдиқлашни сиёсий-ҳуқуқий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ушбу масалани маҳаллий кенгашда кўпчилик ўринга эга бўлган партия гуруҳи ёки партиялар блоки томонидан дастлабки кўриб чиқилиши ва сессия муҳокамасига тайёрланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай талаб сиёсий партияларнинг кўпчиликни шакллантиришдан манфаатдорлигини кучайтириб, умуман, келажакда маҳаллий Кенгашлар ваколатларига доир масалаларни самарали ҳал қилиш механизмини шакллантиради. Шунингдек, бундай тартибнинг жорий қилиниши сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашларда кўпроқ ўринларга эга бўлиш, яъни жойлардаги муаммоларни чуқурроқ ўрганишга бўлган интилишини янада кучайтиради.

Ҳокимни лавозимига тасдиқлаш масаласини тайёрлаш жараёнида кўпчиликни ташкил этган партия гуруҳи ёки партиялар блоки ҳоким билан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бошқарув кадрларини танлаш ва жойига қўйиш ва бошқа масалаларини келишиб олиш имконига эга бўладилар. Ҳоким ўринбосарларини лавозимга тасдиқлаш ва лавозимдан озод этишга кўпчиликни ташкил этган сиёсий партия гуруҳи баробарида ҳар бир доимий комиссия томонидан кўриб чиқилиши ҳам тўғри бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Сиёсий партияларнинг маҳаллий**

давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятидаги иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари» деб номланиб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари шаклланишида сиёсий партиялар иштирокининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партия гуруҳлари иштирокининг шакл ва усуллари, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг сиёсий партия гуруҳлари фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари таҳлил қилинган.

Диссертант ушбу боб доирасида сиёсий партиялар ваколатларининг торлиги ҳамда сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавжуд муаммоларни партия томонидан тавсия этилган ҳамда сайловларда маҳаллий кенгаш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўрин олган депутатлар орқали ҳал этиш механизмлари етарлича йўлга қўйилмаганлигига алоҳида эътибор қаратган. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунида сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари сифатида сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш каби ташкилий тусдаги ваколатлари белгиланган. Бундан ташқари, маҳаллий кенгашларнинг ваколатлари ижроия органларидан ажратилмаганлиги уларнинг қонунчилик фаолиятини амалга ошириш ўрнига қонунларни ижро этиш билан шуғулланишига олиб келмоқда ва бу эса, ўз навбатида ҳокимиятлар ваколатларининг бўлиниш принципига зид ҳисобланади.

Шуни назарда тутиш керакки, ушбу қонунда маҳаллий кенгашларнинг сиёсий партиялар билан бирга иш олиб бориш ёки сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавжуд муаммолар ёки фуқароларнинг ариза ва шикоятлари асосида шаклланган мурожаатларини кўриб чиқиш масалалари назарда тутилмаган.

Диссертантнинг фикрича, қонунда депутатнинг сиёсий партия ташкилоти билан учрашув ўтказиш ҳуқуқи белгиланган бўлишига қарамадан сиёсий партияларнинг ўзининг сайланган вакилларига фуқароларнинг мурожаатлари ва жамиятда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича мурожаат этиш шакли ва бу жараёнларнинг маҳаллий кенгаш фаолиятига таъсири ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Сиёсий партия гуруҳларининг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги иштирокининг шакл ва усулларига оид қонунчилик нормаларини таҳлил қилар эканмиз, уларда ҳуқуқ ва ваколатларнинг кенг доираси мустаҳкамлаб қўйилганлигининг гувоҳи бўламиз. Лекин ҳуқуқий амалиётни ўрганадиган бўлсак, партия гуруҳлари ушбу ваколатлардан самарали фойдаланяпти дея олмаймиз.

Диссертантнинг фикрича, бу борадаги муаммолар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, қонунчиликда белгиланган партия гуруҳлари фаолиятининг шакллари лозим даражада амалга ошириш учун ҳуқуқни қўллаш механизмлари етарлича ишлаб чиқилмаган;

иккинчидан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида доимий ишлайдиган тузилмаларнинг мавжуд эмаслиги, кенгашларнинг профессионал

асосда ташкил этилмаганлиги, партия гуруҳларининг муайян ваколатларни амалга оширишга имкон бермайди;

учинчидан, давлат ҳокимиятининг маҳаллий даражасида ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципи жорий этилмаганлиги, яъни ҳокимларнинг бир пайтнинг ўзида ҳам маҳаллий ижро ҳокимиятига, ҳам маҳаллий вакиллик органига раҳбарлик қилиши амалда уларнинг фаолияти устидан депутатлар ва партия гуруҳларининг назорати имконсиз эканлигини кўрсатади;

тўртинчидан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ва умуман, сиёсий партияларнинг жойлардаги бўлинмаларида фаолият юритаётган кадрлари сиёсий ва ҳуқуқий онги етарли эмаслиги қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда;

бешинчидан, партияларнинг ҳудудлардаги бўлинмалари билан кенгашлардаги партия гуруҳлари ўртасидаги алоқа ва ҳамкорлик ўта суст йўлга қўйилганлигини қайд этиш лозим.

Шу жиҳатдан олганда, қайд этилган муаммоларни ҳал этиш учун тегишли қонунчиликни, яъни «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ва «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунларни янги таҳрирда қабул қилиш ва уларда партия гуруҳларининг фаолияти шакл ва услубларини амалга оширишнинг барча ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ўз ичига қамраб олган нормаларни мустаҳкамлаш лозим. Шунингдек, маҳаллий кенгашлардаги депутатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини оширишга ҳамда уларнинг партия олдидаги масъулиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бунда депутатларни ўқитиш, улар учун услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш, семинар-тренинглар ўтказиш ва тажриба алмашишларни йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Агар партиялар фаолияти бугунги кунда жамият ҳаётини деярли барча йўналишларини қамраб олганлигини ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органлари тегишли ҳудудларда комплекс характерга эга бўлган қарорлар қабул қилишда масъул эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, сиёсий партия гуруҳлари фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонларини бир мунча кенгроқ кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқиш зарурлигини кўраимиз.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг сиёсий партия гуруҳлари фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари бўйича тегишли адабиётларни таҳлил қилиш асносида ушбу мезонлар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг юксалиши, уларнинг давлат билан жамият ўртасида ўзаро ишонч ва масъулликка асосланган муносабатларни қарор топтиришдаги иштирокини янада кенгайтиришга қаратилган мазкур ўзгартишларнинг заруратини белгилаб берувчи асосий сабаблардан бири – бу уларни давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрни билан изоҳланади. Зеро, мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш амалиёти шуни алоҳида кўрсатадики, фақат сиёсий партиялар воситасидагина шаклланган ҳокимият ҳам давлат, ҳам жамият манфаатлари асосида фаолият кўрсата олишга қодирдир.

Тадқиқотчи сиёсий партиялар ваколатларининг торлиги ҳамда сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавжуд муаммоларни партия томонидан тавсия

этилган ҳамда сайловларда маҳаллий кенгаш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўрин олган депутатлар орқали ҳал этиш механизмлари етарлича йўлга қўйилмаганлигини таъкидлаб, маҳаллий кенгашларнинг ваколатлари ижроия органларидан ажратилмаганлиги уларнинг қонунчилик фаолиятини амалга ошириш ўрнига қонунларни ижро этиш билан шуғулланишига олиб келмоқда ва бу эса, ўз навбатида ҳокимиятлар ваколатларининг бўлиниш принципига зид ҳисобланади, деган фикрни илгари суради.

Шу билан бирга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг тўғридан-тўғри қонунчилик ташаббуси ваколатларига эга эмаслиги, уларнинг маҳаллий миқёсдаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича вазифаларини тўлақонли амалга оширишларига салбий таъсир кўрсатмоқда ва сиёсий партияларнинг фаоллигини фақатгина Олий Мажлис Қонунчилик палатаси доирасида кузатиш мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, ушбу қонунда маҳаллий кенгашларнинг сиёсий партиялар билан бирга иш олиб бориш ёки сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавжуд муаммолар ёки фуқароларнинг ариза ва шикоятлари асосида шаклланган мурожаатларини кўриб чиқиш масалалари назарда тутилмаган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланиб, у ривожланган хорижий мамлакатлар маҳаллий вакиллик органларини ташкил этиш ва улар фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ўзига хос жиҳатлари, халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган.

Мазкур боб доирасида ривожланган хорижий мамлакатлар (Нидерландия қироллиги, Италия, Кипр, Португалия, Германия, Бельгия, Франция, АҚШ) маҳаллий вакиллик органларини ташкил этиш ва улар фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи томонидан замонавий давлатларда маҳаллий бошқарув тизими вертикал равишда иккитадан бештагача бўлган бўғинни ўз ичига олган тизим ўрганилган. Бундай бўлинишни қуйидагича тавсифлаш мумкин: икки бўғинли бўлинишда вилоятлар (губерналар, округлар, провинциялар) – жамоаларга (муниципалитетлар, коммуналар); уч бўғинли: вилоятлар – туманлар – жамоалар; тўрт бўғинли: минтақалар – вилоятлар – туманлар – жамоаларга ажратилиши аниқланган. Диссертантнинг изланишларига кўра, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари юқори турувчи органлар билан ўзаро муносабатлар даражасига қараб ҳам турлича бўлади. Италия, Франция, Германия каби давлатларда қуйи турувчи органларнинг юқори турувчи органларга қатъий, тўғридан-тўғри бўйсунувда бўлишини кузатсак, АҚШ ва Буюк Британия каби давлатларда автоном тизимга амал қилинади. Яъни, бунда вертикал бўйсунуш деярлик мавжуд бўлмаслиги қайд этилган.

Диссертант ўтказган таҳлил натижасида хорижий мамлакатларда давлат ҳокимияти органлари фаолияти, уларнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш асосида давлат ҳокимияти вакиллик органлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик қуйидаги шаклларда амалга ошишини кўриш мумкинлиги кўрсатилган:

биринчидан, сиёсий партияларнинг вакиллик органларидаги гуруҳлари маҳаллий миқёсда қабул қилинадиган қарорларнинг мазмунига таъсир ўтказиш орқали улар фаолиятида иштирок этади;

иккинчидан, маҳаллий вакиллик органига бўлиб ўтган сайловларда энг кўп овоз олган партиялар ўзларининг вакиллари шаҳар кенгаши ёки муниципалитети раиси (мэри) лавозимига тавсия этиш имкониятига эга бўладилар. Бунда сиёсий партиялар улар орқали маҳаллий ижро ҳокимиятини шакллантиришга ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятига таъсир ўтказадилар;

учинчидан, маҳаллий вакиллик органларидаги партия фракциялари: жамоат хавфсизлигини таъминлаш; маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ўрнатиш; маҳаллий бюджетни қабул қилиш ва унинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш; ижтимоий хизматлар кўрсатиш, яъни мактаб иши, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, уй-жой қурилиши, коммунал хўжалиги, маҳаллий йўлларни қуриш ва сақлаш; маҳаллий мулкни бошқариш каби ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳалари бўйича маҳаллий сиёсатни ишлаб чиқишда иштирок этадилар.

Сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг ҳар бир ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб, жойлардаги муҳим муаммоларга ўз вақтида эътибор қаратиши ва уларни кенгаш сессияси ёки доимий комиссия мажлисида муҳокама қилиш ташаббуси билан чиқиши, яъни масаланинг ечимини топишда бевосита иштирок этишида муайян муаммолар мавжудлиги аниқланган.

Диссертант маҳаллий кенгашлар депутатларининг тўлақонли фаолият олиб боришларига қуйидаги омиллар тўсиқ бўлаётганлигини халқ депутатлари Юнусобод туман (21 нафар) ва Урганч шаҳар (18 нафар) Кенгашлари депутатлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра кўрсатиб ўтган. Буларга: ҳокимнинг Халқ депутатлари Кенгашига раислик қилиши; депутатлик фаолиятининг доимий асосга эга эмаслиги; ваколатларнинг етарли даражада эмаслиги; депутатларга берилган ҳуқуқларни таъминлаш механизмларининг етарли даражада эмаслиги; айрим ҳолларда депутатларнинг малакаси ва ҳуқуқий билимларининг сустлиги.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги фармони асосида тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида вакиллик ва ижро этувчи органлар ўртасидаги муносабатларни тубдан янги босқичга кўтаришни назарда тутди. Унга кўра келгусида қуйидагилар амалга оширилади:

биринчидан, республика давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш;

иккинчидан, ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият раҳбари мақомини сақлаган ва халқ депутатлари Кенгашларининг котибиятини тузган ҳолда қайта кўриб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

учинчидан, халқ депутатлари Кенгашларининг ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш бўйича роли ва масъулиятини ошириш;

тўртинчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳокимлар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган ҳокимларни сайлаш тартибини жорий этиш ва бошқалар.

Диссертант мазкур соҳадаги қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратади:

биринчидан, «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунга асосан Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин. Бизнингча, келгусида маҳаллий кенгаш депутатларига ҳам ушбу ҳуқуқни тақдим этиш лозим;

иккинчидан, партия гуруҳларининг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини режа асосида ўрганишни йўлга қўйиш лозим. Бундай режалар маҳаллий кенгашлар сессиясида тасдиқланиши ва ўрганиш натижалари муҳокама этиб борилиши мақсадга мувофиқ;

учинчидан, туман, шаҳар ҳокимларининг тайинланишида тегишли маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг сессияда тасдиқлаш тартибини жорий этиш лозим.

Диссертант халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини таҳлил қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг «Халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари», деб номланган 24-моддасини ўн иккинчи қисм билан тўлдириш, яъни «Кенгаш сўровларини юбориш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш», деган нормани киритиш лозимлигини қайд этади.

ХУЛОСА

«Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари» мавзусидаги тадқиқот иши натижасида қуйидаги амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар

1. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида сиёсий партиялар иштироки деганда уларнинг партия гуруҳлари орқали мазкур органларда партия ва сайловчилар манфаатини ифодалаш мақсадида муайян қўмита ёки комиссияларни шакллантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларини вазифасига тайинлаш ва озод этиш бўйича таклифлар киритиш, ижро ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларига сўров билан мурожаат қилиш ва уларнинг ҳисоботларини эшитиш, ҳудудларни ривожлантириш

дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар киритишга қаратилган фаолияти тушунилади.

2. Давлат ҳокимияти фаолиятида кўппартиявийликнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш учун қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

биринчидан, 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги – Миллий юксалиш босқичига ўтди. Конституциямизга асосланган, халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси амалда жорий этилмоқда. Ўз навбатида «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» ғояси асосида сиёсий партиялар ҳам ўз фаолиятларини мамлакатда рўй бераётган демократик янгиланишларга мос равишда янги босқичга кўтаришлари зарурияти юзага келганлигини эътироф этиш даркор;

